

**ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИ (СМТ)ИНИ  
САМАРАДОЛИК ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ**

**Бадалова Максуда Умаровна**

*А.Авлоний номидаги МТИБ бошлиги*

Ўрганилган халқаро тадқиқотлар асосида шуни таъкидлаш жоизки, ИСО 9001 сифат менежмент тизимининг ҳам самарадорликни баҳолашнинг кенг тарқалган усуллари мавжуд – бу эришилган натижаларни солиштиришdir ёки, (ИСО 9001 стандартига қўра – “натижа”, деб аталган). Таълим соҳасида таълим сифати мураккаб қўрсатгич бўлиб, таълим муасасаси олдига қўйган мақсад ва берилган билимнинг ўзаро бирлашган қўрсатгичидир. Бунда СМТИни натижасини аниқлашда таълим жараёни истеъмолчилари-яъни ота-оналар ва ўқувчиларнинг талабини қондирилиши мақсадида таълим соҳасида қўрсатилаётган таълим сифати ўқувчилар билим савияси, ақлий, жисмоний ва ахлоқий қўникмаларига берилган баҳолар натижасининг қўрсатгичлари инобатга олинади. Таълим сифатининг асосий қўрсаткичлари қўйидагилардан иборат:

- Умумтаълим мактабларида яратилган шароит сифати;
- Бошқарилаётган ўқув жараёнининг сифати;
- Болалар саломатлигининг сифати;
- Берилаётган таълим сифати;
- Мактабларни ресурслар билан таъминлаш сифати;
- Моддий-техник таъминот сифати;
- Кадрлар сифати.

Буни шундай изоҳлаш лозимки, ҳар бир банд бўйича меъёрий-хуқукий хужжатларда белгиланган сифатга қўйиладиган талабарнинг умумэътироф этилган тизими мавжуд, масалан таълим стандартига мослигини таъминлаш шартларини белгилайдиган жараён, шу меъёрларга мослик даражаси билан баҳоланади. Ва такомиллашиб натижасида янгиликка мос талаблар ҳам қўшилиб борилади, масалан, халқаро қиёсий тадқиқотлар натижалари (PISA, PIRLS, TIMSS ва бошқалар). СМТИ ташкилотни тўлиқ фаолиятини қамраб олганлиги туфайли тўлиқ фаолият режаси асосида унинг бажарилиши баҳоланади.

Ташкилотнинг олган фойдаси, соф фойда, соф фойда ва активлар рентабеллиги, фаолият даражасининг ўсиши, , инвестицияларнинг жалб қилиниши, NPV (соф жорий қиймат) ҳисоблаш, акциялар қийматининг ўсиши(агар акциядорлар бўлса)орқали таҳлил қилиниб, тегишли хуносалар чиқарилади ва регрессион моделлар асосида сифат омилларини таъсири аниқланади. Шунингдек, қўйидаги усуллар ҳам тажрибада кенг қўлланилади:

1.Харажат ва фойдани солиштириш - молиявий қўрсаткичлар таҳлилига асосланган усул;

2. Актив рентабеллиги; (Бу кўрсаткич корхона молиявий фаолиятинг жами даромадини ёки (зараарини) жами активлар қийматига нисбати билан ифодаланади. Агар корхонанинг бу кўрсаткичи  $AP>0,05$  (актив рентабеллиги), яъни актив рентабеллиги 0,05дан катта бўладиган бўлса, демак корхона ресурсларидан самарали фойдаланмоқда.